



Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари яратилган

Нодир Ахроркулович Кахоров

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

Аннотация: Давлат харидларидаги коррупция давлат фаолияти самарадорлигига путур этказадиган, иқтисодий ўсишни пасайтирадиган ва аҳолининг ҳукуматга ишончини пасайтирадиган муҳим муаммодир. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун аввало давлат томонидан харидлар жараёнини тартибга солувчи қонунчилик базасига эга бўлиши лозим. Ушбу мақолада давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Коррупция, давлат харидлари.

Nodir Axrorkulovich Kaxorov

A student of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: Corruption in public procurement is an important problem that undermines the efficiency of government activities, reduces economic growth and lowers public confidence in the government. In order to solve this problem, first of all, the state should have a legal framework that regulates the procurement process. This article examines the theoretical and legal basis of fighting corruption in the field of public procurement.

Key words: Corruption, public procurement, international standards.

Нодир Ахроркулович Кахоров

магистрант Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

Аннотация: Коррупция в сфере государственных закупок является важной проблемой, которая подрывает эффективность деятельности правительства, снижает экономический рост и снижает доверие населения к правительству. Для решения этой проблемы, прежде всего, государство должно иметь правовую базу, регулирующую процесс закупок. В данной статье рассматриваются теоретико-правовые основы борьбы с коррупцией в сфере государственных закупок.

Ключевые слова: коррупция, государственные закупки.

Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари яратилган.

Бизга маълумки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг жадал интеграциялашуви натижасида турли хил трансмиллий жиноятлар хавф туғдириб келмоқда. Бундай жиноятларнинг аксар қисмини гиёҳванд моддалари савдоси, мулк ва шахсга қарши жиноятлар, кибержиноятчилик ва терроризм ташкил этсада¹⁰⁸, бироқ жаҳон иқтисодиётига коррупция жуда катта зарар келтирмоқда. БМТ бош қотибининг маълумотида кўра, “Глобал миқёсда йиллик пора ҳажми бир триллион долларни ташкил этади. Коррупция глобал иқтисодиётнинг 2,6 триллион доллар, ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизини йўқотишига сабаб бўлмоқда”¹⁰⁹. Бу эса мамлакатларнинг ривожланишига жуда катта хавф туғдириб келмоқда. Коррупция кенг тарқалган мамлакатда ишонч йўқолади, демократия заифлашади, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлади, тенгсизлик, қашшоқлик, ижтимоий бўлиниш ва экологик инқирозни янада кучайтиради.

"Коррупция" атамасининг этимологик жиҳати хусусида турли фикрлар мавжуд. "Коррупция" атамаси латинча "corruptio" сўзидан келиб чиққан бўлиб "бузиш, йўлдан оздириш, сотиб олиш" деган маънони англатади¹¹⁰.

Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда, коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансабидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида, **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш¹¹¹, деб келтирилган.

Коррупция хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири эканлигини ҳисобга олсак, ҳар бир шахснинг ҳаёлида биринчи навбатда, мансабдор шахслар

¹⁰⁸ [Электрон манба].

https://www.unodc.org/documents/rpnc/Publications/annual_reports/ANNUAL_REPORT_2020English.pdf

¹⁰⁹ [Электрон манба]. <https://news.un.org/ru/story/2018/12/1344641>

¹¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Тошкент, 2008. 409 б.

¹¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРТ-419-сон қонуни, 3-моддаси. [Электрон манба]. <https://lex.uz/docs/3088008>

томонидан давлат бюджети маблағларининг сарфланишидаги қонунбузилишлар яққол гавдаланади.

Давлат бюджети харажатларининг аксар қисми (иш ҳақидан ташқари) давлат харидлари билан боғлиқ харажатларни ташкил этади. Давлат харидлари коррупцияга энг заиф бўлган давлат фаолиятдан биридир. Битимлар ҳажми ва хавф остида бўлган молиявий манфаатлардан ташқари, коррупция хавфи жараённинг мураккаблиги, давлат амалдорлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ўзаро таъсири ва манфаатдор томонларнинг кўплиги билан кучаяди.¹¹²

Ҳар йили солиқ тўловчиларнинг катта миқдордаги пуллари ҳукуматлар томонидан товарлар ва хизматларга сарфланади. Шунча кўп пуллар қўлдан-қўлга ўтиб, ҳукуматнинг оз сонли фаолияти кўпроқ васвасаларни келтириб чиқаради ёки коррупция учун кўпроқ имкониятларни яратади.¹¹³

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда у давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Харид қилиш жараёни хусусий сектор этказиб берувчилардан товарлар, хизматлар ва ишларни сотиб олишни ўз ичига олади. Давлат харидларидаги коррупция турли шаклларда бўлиши мумкин, жумладан, тендерларни сохталаштириш, давлат амалдорлари ва хусусий сектор этказиб берувчилари ўртасидаги тил бириктириш ва бошқалар. Бундай амалиётлар шартномаларни малакасиз этказиб берувчиларга ёки оширилган нархларда беришга олиб келиши мумкин, бу эса ҳукумат ва жамоатчилик учун мақбул бўлмаган натижаларга олиб келиши мумкин.

Давлат сектори ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш ҳамда шу каби бошқа кўплаб йўналишлардаги устувор мақсадларга эришишни таъминлаш учун товар, иш ва хизматлар билан таъминлаб турилиши зарур. Бунда албатта давлат харидларига эҳтиёж сезилади.

Харид қилишнинг биринчи изларини қадимги тарихда, жумладан, милoddан аввалги 3000 йилда мисрликларда кўриш мумкин. Белгиланган харид функцияси бўлмаса ҳам, пирамидаларни қуришда материалларни бошқариш ёрдам берган. Мисрликлар бу йirik лойиҳалар учун таъминотни бошқариш учун уламолардан

¹¹² Preventing Corruption in Public Procurement, OECD, 2016. p.7. [Электрон манба].

<https://www.oecd.org/gov/ethics/Corruption-Public-Procurement-Brochure.pdf>

¹¹³ Transparency International, Curbing Corruption in Public Procurement, A Practical Guide. 2014. p.4. [Электрон манба].

https://images.transparencycdn.org/images/2014_AntiCorruption_PublicProcurement_Guide_EN.pdf

фойдаланганлар. Ёзувчи-рухонийлар рол ўйнаб, папирус varaқларида зарур бўлган материаллар ва ишчилар миқдорини ёзиб олишган. Бу уламолар буюртмаларни бажариш орқали кузатиб боришарган ва тарихда биринчилардан бўлиб харид қилиш касб эгалари бўлганлар.¹¹⁴

Давлат харидлари — ҳукуматларнинг хусусий сектордан товарлар, хизматлар ва ишларни сотиб олиш жараёни. 2018 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти 90 триллион долларни ташкил этиб, шундан 11 триллион доллари давлат харидларига сарфланган, яъни харидлар жаҳон ЯИМнинг 12 фоизини ташкил этган.¹¹⁵

Давлат хариди давлат инфратузилмасини моддий-молиявий таъминлаш учун амалга оширилади. Давлат инфратузилмасини умумий тарзда иккита йирик таркибий қисмга ажратиш мумкин:

1. Иктисодий инфратузилма (транспорт, маиший хизматлар, кундалик иктисодий фаолиятни амалга ошириш учун бирламчи булган инфратузилмалар).

2. Ижтимоий инфратузилма (мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар ёки бошқача қилиб айтганда, жамият кундалик ҳаёти учун бирламчи инфратузилмалар). Ижтимоий соҳаларга давлат харидини амалга ошириш зарурати жамият манфаатларидан келиб чиқади.

Давлат харидлари соҳасида коррупцион ҳолатларни ўрганиш бўйича яхлит тизим мавжуд эмас. Миллий қонунчилигимизда “Давлат харидлари соҳасидаги коррупция” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган.

Давлат харидлари соҳасида коррупция жинойти узок тарихий, мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ўзгарувчан оммавий ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Ш.М.Шурпаевнинг фикрича, давлат харидлари соҳасидаги коррупция - буюртмачилар вакиллари, соҳадаги назорат органларининг мансабдор шахслари, харидлар иштирокчиларининг вакиллари, шу жумладан етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шахсий бойиб кетиш ёки тор гуруҳ манфаатларини кўзлаб фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ёки жамият ёхуд давлатнинг қўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш деб таърифланган.¹¹⁶

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жинойтлар бўйича бошқармаси (UNODC) маълумотига кўра, давлат харидлар соҳасидаги коррупция манфаатлар тўқнашуви натижасида юзага келиши мумкин, бунда давлат мансабдор шахси ушбу имтиёзларни бериш бўйича расмий талабларни четлаб ўтиб, ўзи ва

¹¹⁴ [Электрон манба]. <https://www.sourcesuite.com/procurement-learning/purchasing-articles/history-of-procurement-past-present-future.jsp>. The History of Procurement: Past, Present and Future

¹¹⁵ [Электрон манба]. <https://blogs.worldbank.org/developmenttalk/how-large-public-procurement>. How large is public procurement? Erica Bosio Simeon Djankov february 05, 2020.

¹¹⁶ Ш.М.Шурпаев, уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений коррупционной направленности в сфере закупок для обеспечения государственных и муниципальных нужд. Диссертация КЮН, 2021г.стр.33-34

тегишли шахслар учун ҳақли равишда жамиятга тегишли бўлган манфаатларни таъминлашни хоҳлайди.¹¹⁷

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнингча, давлат харидлари соҳасидаги коррупция – давлат харидлари соҳасида фаолият кўрсатувчи мансабдорлар билан бир қаторда барча ходимларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши ва/ёки бунинг натижаси давлат консолидацион бюджети маблағларининг ноқонуний йўللار билан ўзлаштириши ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилнинг 9 апрелда «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилинганлиги давлат харидлари соҳасини тартибга солиш, ушбу соҳадаги коррупцион ҳолатларни камайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қонун давлат харидлари очиқлигини ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг рақобат курашувини таъминлашга, давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратди.

Қонун қабул қилинишидан аввал мазкур соҳа 30 дан ортиқ қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган, бунда давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд бўлмаган, бунинг натижасида ҳуқуқий коллизиялар вужудга келган. Кўп босқичли келишишлар ва такрорловчи тартиб-таомиллар коррупцияга шароит яратган ва кўп вақт йўқотишга сабаб бўлган.

Қонун билан давлат хариди жараёни очиқ-ошкоралиги таъминланиб, барча маълумотлар махсус порталда эълон қилиш жорий этилди. Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ва Молия вазирлиги томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг, давлат назорати ўрнатилди. Шунингдек фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва ОАВ томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Бироқ, қонун қабул қилинганлигига қарамасдан ушбу соҳалардаги қонунбузилиш ҳолатларига сезиларли даражада сақланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан давлат харидлари жараёнида 763 та ҳолатда **971,1 млрд. сўмлик** манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Амалга оширилган тезкор ўрганиш ва

¹¹⁷ https://grace.unodc.org/grace/uploads/documents/academics/Anti-Corruption_Module_4_Public_Sector_Corruption.pdf
p.16



таҳлиллар натижасида давлат бюджетига **527 млрд. сўмлик** қўшимча даромад манбалари аниқланиб, уларни ундириш чоралари белгиланган.¹¹⁸

Шу сабабли, ривожланган давлатлар илғор тажрибалари, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 2021 йил 22 апрель куни “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Қонунда давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, хусусан, давлат харидларининг очиқ ва шаффоф ҳамда самарали тизимини яратиш орқали коррупциянинг олдини олиш кўзда тутилган бўлиб, бир қанча тушунчаларга аниқлик киритилган. Жумладан, давлат харидлари соҳасида давлат харидларининг ижрочиси, ихтисослашган ташкилот, манфаатлар тўқнашуви, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси каби тушунчалар мазмуни кенгайтирилган.

Қонунга асосан давлат харидларининг асосий принциплари, бу — очиқлик ва шаффофлик, рақобат, холислик ва коррупцияга йўл қўймасликдир.¹¹⁹ Давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Давлат харидлари бозор элементи ҳисобланиб, унинг ёрдами билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида маблағларни тақсимлаш ва самарадорлигини ошириш амалга оширилади. Бу эса давлат харидлари соҳасига эътиборли бўлишни ва уни ривожлантиришни талаб қилади, бунда албатта тизимли ёндашув зурур.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунга кўра, давлат буюртмачилари деганда, давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахслар тушунилиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:

а) бюджет буюртмачилари:

-давлат органлари ва муассасалари;

-бюджет ташкилотлари;

-харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;

-давлат мақсадли жамғармалари;

-бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

б) корпоратив буюртмачилар:

-давлат корхоналари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи. [Электрон манба]. <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/207>

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонуни, ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021 йил. 5-модда, [Электрон манба]. <https://lex.uz/uz/docs/5382974>

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондида (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар.

Бюджет ва корпоратив буюртмачилар давлат харидларини амалга оширишда шартнома суммасидан келиб чикиб, қуйидаги турдаги давлат харидларини амалга оширишлари мумкин, яъни:

- электрон дўкон;
- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;
- энг яхши таклифларни танлаш;
- тендер;
- тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

Давлат харидларининг очик ва шаффоф механизмини яратиш, уни такомиллаштириш, савдоларнинг коррупциядан ҳоли тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида республикада амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирларни узвий давом эттириш билан бирга мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш ҳам зарур. Лекин, ҳеч кимга сир эмаски, давлат харид ва буюртмаларида коррупцион ва рақобатга зид амалиётлар кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат харидлари соҳасида 2021 йилда ўтказилган масофавий мониторингда бюджет буюртмачилари томонидан қиймати **145,3 млрд сўмлик** 452 та танловда **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги ва **“Рақобат тўғрисида”**ги Қонунларнинг талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган 372 та тақдимнома киритилган ва танловлар бекор қилиниб, бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олди олинган.¹²⁰ Бу ҳолатлар фақатгина Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан аниқланган ҳолатлар холос.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди. Давлат харидларидаги коррупция харидлар

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йилдаги фаолияти натижалари бўйича ҳисоботи. [Электрон манба]. <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/03/10/agentlikning-2021-jildagi-faoliyati-natizhalariga-bagishlangan-matbuot-anzhumani-bolib-otdi>

жараёнининг яхлитлигига путур етказувчи ва давлат ресурсларининг исроф қилинишига олиб келадиган жиддий муаммо ҳисобланади.

Давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши курашиш учун коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар, жумладан, шаффофлик, ҳисобдорлик ва мустаҳкам қонунчилик базаси зарур. Фақатгина давлат харидларидаги коррупцияни бартараф этиш орқали биз аҳолининг товарлар, хизматлар ва инфратузилма лойиҳаларини харид қилишда энг мақбул ва самарали йўлга эга бўлишимиз мумкин. Шунингдек, барқарор харид амалиётини тарғиб қилиш, маҳаллий иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва харид жараёнини яхшилаш учун ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш чораларини кўришимиз лозим.

